Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 28 март, пайшанба, №34 (3380).

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ СЕНАТОРИ СТИВ ДЭЙНСНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев АҚШ Сенати аъзоси Стив Дэйнсга ҳурмат бажо келтирар экан, Қозоғистон ва Америка ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, у икки томонлама муносабатларда парламент дипломатияси муҳим ўрин тутишини айтиб ўтди.

Учрашувда савдо-иқтисодий интеграция масалалари кўриб чиқилди. Қозоғистон Президенти мамлакатда сармоя жалб қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини маълум қилди. Қ. Тўқаевнинг сўзларига кўра, энергетика, фойдали қазилмаларни қидириш ва қайта ишлаш, инфратузилмани янгилаш ва бошқа соҳалар Қозоғистон-Америка муносабатларининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Шунингдек, учрашувда халқаро ва минтақавий хавфсизлик масаласига алоҳида урғу берилди.

Шу билан бирга, Президент Қозоғистон дунёда биринчилардан бўлиб Москва вилоятидаги террорчилик ҳаракатини кескин қоралагани, шундай оғир дамларда Россия билан бирга эканини таъкидлади.

Қ. Тўқаевнинг фикрича, барча давлатлар ўзаро муносабатларидаги зиддиятларга қарамай, террорчиликка қарши курашда йирик халқаро коалиция доирасида кучларини бирлаштириши керак. Қозоғистон ушбу муҳим ишга ҳисса қўшишга тайёр.

Akorda.kz.

ЯНГИ КУН, ЯНГИ МАВСУМ, ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

ЖОРИЙ ЙИЛДА ДЕҲҚОНЛАРГА 140 МЛРД. ТЕНГЕ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ВА 65,4 МЛРД. ТЕНГЕ СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

Бу ҳақда ҚР Бош вазири Ўлжас Бектенов маълум қилди.

– Бу йилги ғалла ҳосили экиш мавсумининг сифатли ва ўз вақтида ўтказилишига боғлиқ. Бу – мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим тадбирдир.

Деҳқонларга “Кең дала” дастури доирасида 140 миллиард тенге кредит берилади. Шунингдек, маҳаллий бюджетлардан қўшимча 100 миллиард тенге ажратилади. Ушбу молиялаштириш манбалари баҳорги тарғибот ишлари ва кузги ҳосил йиғимтерим ишлари учун қўшимча 425 миллиард тенге имтиёзли кредитлар ажратиш имконини беради, – деди у Ҳукумат йиғилишида.

Унинг таъкидлашича, жорий йилда 340 минг тонна дизель ёқилғисини имтиёзли нархларда тарқатиш режалаштирилган.

Primeminister.kz.

АЙТЕКЕ БИЙ ТАВАЛЛУДИГА – 380 ЙИЛ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА АЙТЕКЕ БИЙНИНГ 380 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Қозоқ халқининг кичик жуз аждодларидан бири бўлган Айтеке бий мақбараси Ўзбекистоннинг Навоий вилоятида жойлашган. 2008 йилгача унинг қаерда дафн этилгани номаълум эди. Кейинроқ Навоий вилоятининг Нурота туманида унинг қабристони аниқланиб, тадқиқот ишлари олиб борилди.

Мақбара 2009 йилда унинг авлодлари, таниқли сиёсий арбоблар ва маҳаллий аҳоли кўмагида барпо этилган. Кейинги йилларда мажмуа ёнида масжид, музей қурилди. Ушбу мақбара 2012 йилда очилган.

Туризм бошқармаси маълумотларига кўра, ҳар йили Айтеке бий қабрини зиёрат қилиш учун 7-8 минг нафар хорижлик сайёҳ келади.

– Айтеке бий мақбараси маданий мерос иншооти ҳисобланади. Бундан ташқари, “Чашма” мажмуаси мавжуд. Бу йил биз ушбу жойларга кўплаб саёҳатчиларни қабул қилиш ниятидамиз. Айтеке бийнинг 380 йиллиги муносабати билан Қозоғистондан 2000 нафар меҳмон келиши тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, бу ерга кўплаб маҳаллий сайёҳлар ташриф буюради, – деди Навоий вилояти туризм бошқармаси бошлиғи Дилшод Ҳўжаев.

24.kz.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИ 500 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ОШДИ

Жорий йилнинг икки ойи якунларига кўра, Қозоғистон Ўзбекистоннинг учта асосий ташқи савдо ҳамкорларидан бири бўлиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 500 миллион доллардан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-февраль ойларида мамлакатда ташқи савдо айланмаси 9,9 миллиард долларни ташкил этиб, 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 940,3 миллион долларга ёки 10,5 фоизга ошган.

Умумий товар айланмаси доирасида Ўзбекистон Қозоғистонга 166,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди, импорт эса 415,3 миллион долларни ташкил этди.

ҚОЗОҒИСТОН-ЎЗБЕКИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТ НАЗОРАТ ОСТИДА

Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси Чегара хизмати Ўзбекистон Республикаси билан чегарадаги назорат-ўтказиш пунктлари олдида Қозоғистон Республикасидан чиқиб кетаётган одамлар ва транспорт воситалари тўпланиб қолгани ҳақида хабар берди.

“Бу Наврўз байрами муносабати билан кўпчилик хориж фуқароларининг мамлакатни тарк этиши, шунингдек, “Қапланбек”, “Тажен”, “Атамекен” ва “Қазиғурт” назорат-ўтказиш пунктларида таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани билан боғлиқ”, дейилади хабарда.

Давлат чегарасини кесиб ўтиш мунтазам тартибда амалга оширилмоқда, ўтказиш пунктларида вазиятни назорат қилиш чоралари кўрилди.

24.kz.

● Обуна–2024

Қадрли газетхон!

“Жанубий Қозоғистон” рўзномасига обунанинг йил бўйи давом этишини маълум қиламиз.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲЖ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге; Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

130та КОРХОНА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА ТАЙЁР

Тараз шаҳрида «KazAgroZhambyl-2024» халқаро қишлоқ хўжалиги форуми ва кўргазмаси доирасида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўзаро савдосини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, юқори рақобатбардош қишлоқ хўжалиги тармоғи сифатида чорвачилик истиқболлари қайд этилди.

– Қозоғистон яйловлар майдони бўйича дунёда бешинчи ўринда туради, чорвачилик маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун анъанавий ва жуда истиқболли соҳа ҳисобланади, – деди Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Айдарбек Сапаров анжумандаги нутқида.

– Ўзбекистонга чорвачилик маҳсулотларини етказиб берувчи 130га яқин Қозоғистон корхоналарини Ўзбекистонга олиб кирилаётган ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар тизимига киритишни таклиф қилмоқчиман. Ишончим комилки, қозоғистонлик етказиб берувчилар Ўзбекистон бозорида маҳсулот турларини кенгайтириб, сифат ва нарх бўйича рақобатбардош маҳсулотларни таклиф этадилар, – дея изоҳлади маърузачи ва Қозоғистон ҳам Туркия, Туркманистон ва Венгрия бозорларига юқори сифатли гўшт маҳсулотларини етказиб беришга тайёрлигини маълум қилди.

ЭТНОСПОРТГА ОИД МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

ҚР Туризм ва спорт вазири Ермек Маржиқпаев Астанадаги V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари ташкилий қўмитаси Ижроия дирекциясида Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси президенти Билал Эрдўғон билан учрашиб, бўлажак мусобақани ташкил этишга доир қатор масалаларни муҳокама қилди.

ҚР Туризм ва спорт вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, томонлар Жаҳон кўчманчилар ўйинларида иштирок этувчи мамлакатлар доирасини кенгайтириш, ҳомийларни жалб қилиш, ўйинларнинг халқаро намойишларини ташкил этиш ва ҳаво транспортини йўлга қўйишга кўмаклашиш масалаларини муҳокама қилган. Учрашувда Ермек Маржиқпаев ва Билал Эрдўғон ҳамкорлик меморандумини имзолади.

– Мен Бутунжаҳон этноспорт конфедерациясини V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг ҳамкор ташкилотчиси мақомини олгани билан табриклайман. Ишончим комилки, ўйинлар ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан иштирокчи мамлакатларнинг кенг доирасини қамраб олган ҳолда юқори савияда ўтади, – деди Ермек Маржиқпаев.

КЎПКАРИДА АМЕРИКАЛИК ЧАВАНДОЗЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИ

ҚР Туризм ва спорт вазири Ермек Маржиқпаев таркибида америкалик машҳур чавандоз Кейси Филд ва АҚШ кўпкари терма жамоаси сардори Лэдд Хауэлл бўлган АҚШ делегацияси билан учрашди.

Учрашувда от спортини ривожлантириш, икки мамлакатда кўпкари ва американинг ҳўкизларни жиловлаш мусобақалари турларини оммалаштириш, шунингдек, жорий йилда мамлакатда ўтадиган V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари ҳақида гап борди. Америка делегацияси вакиллари кўпкари мусобақаларида иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар. Лэдд Хауэлл бошчилигидаги АҚШ миллий кўпкари терма жамоаси 2018 ва 2022 йилги Жаҳон кўчманчилар ўйинларида иштирок этган.

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши илк бор Ғазо секторида ўт очишни тўхтатиш ва барча гаровга олинганларни зудлик билан озод қилишни талаб қилувчи резолюцияни қабул қилди. Ҳужжатни 14 давлат қўллаб-қувватлади, АҚШ бетараф қолди. Бу ҳақда BBC News хабар беради.

Ҳужжат, шунингдек, барча гаровга олинганларни зудлик билан, шартсиз озод қилишни талаб қилади.

Муқаддам Хавфсизлик Кенгашининг Ғазода ўт очишни тўхтатишга чақирувчи резолюцияларини муҳосаралаган АҚШ бу сафар овоз беришда бетараф қолди.

«Хавфсизлик Кенгаши яқинда Ғазо сектори бўйича узоқ кутилган резолюцияни маъқуллаб, зудлик билан ўт очишни тўхтатишни ва барча гаровга олинганларни сўзсиз озод қилишни талаб қилди.

Бу қарорнинг ижроси таъминланиши шарт», деб ёзди БМТ раҳбари Антониу Гутерриш.

ҚОЗОҒИСТОНДА КИПР ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛАДИ

Бу ҳақда ҚР Ташқи ишлар вазири Мурат Нуртилеунинг Кипр Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Константинос Комбос билан учрашувида маълум қилинди.

Мурат Нуртилеу Қозоғистон томони Кипр элчихонасининг Қозоғистонда очилиши учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёрлигини маълум қилди.

– Биз Кипр Республикасининг Астанада элчихона очиш ташаббусини юксак баҳолаймиз. Қозоғистон Ҳукумати дипломатик ваколатхона очилишини қўллаб-қувватлашга тайёр. Бу Қозоғистон ва Кипр сиёсий муносабатларини янги босқичга кўтаради, – деди М. Нуртилеу.

24.kz.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ТУРКИСТОНДА НАВРЎЗ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Туркистон шаҳрида Улуснинг улуғ кунига бағишланган “Хуш келдинг, Наврўз!” тантанали байрам тадбири ўтди.

Унда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди иштирок этиб, туркистонликлар ва вилоят меҳмонларини байрам билан табриклади. Тадбирда халқимизнинг маданияти ва анъаналари, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тарғиб қилиш мақсадида Туркистон шаҳрига ташриф буюрган хорижлик ОАВ ходимлари ҳам иштирок этишди.

Улар байрам тадбирларидан сўнг вилоят раҳбари билан учрашди. Хорижлик меҳмонлар Наврўз тадбирида ўтган турли спорт беллашувлари, урф-одатлар, туркийларга хос анъаналар билан танишишди. Миллий ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ҳамда миллий спорт турларидан беллашувларни томоша қилишди.

Концерт дастури, куй-қўшиқлар байрамга алоҳида файз бағишлади.

БАЙРАМ ДУНЁ МИҚЁСИДА НИШОНЛАНДИ

Бу йил Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтахти мақомини олди. Ушбу мақом тарихий шаҳарни дунёга кенгроқ танитиш имконини беради.

Қадимий шаҳарда туркий давлатларнинг санъаткорлари иштирокида ўтган “Хуш келдинг, Наврўз!” тантанаси бунинг яққол далили бўлди, гўё.

Тантанали тадбирда Туркий мамлакатлардан халқаро “Voice of Turan-2023” қозоқ қўшиқлари фестивали ғолиби Лаэлия Алиева (Озарбайжон), Татьяна Ефремова (Татаристон), Zainetdin (Бошқирдистон)-дан ташриф буюрдилар.

Шунингдек, Ардақ Балажанова, Махмуд Урумбаев, “Асыл әжелер” дастаси, “Бисўлтан” рақс дастаси, Райимбек Сейтметов номидаги Туркистон мусиқали-драма театри артистлари, “АКА” ижодий маркази ўқувчилари ҳамда “Тўмар”, “Жўлдыздар”, “Балауса”, “Еркетай”, “Таңшолпан”, “Керуен”, “Сымбат”, “Turan boys” “Яссы”, “Фараб” рақс дасталари, Шамши Қалдаяқов номли вилоят филармонияси ҳамда “Конгресс холл” кўпсоҳали мажмуа санъаткорлари, “Алқоңыр” фольклор дасталари иштирок этдилар.

Туркистондаги байрамга бошқа минтақалар ҳамда Туркий мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюрди. Шунингдек, Европа ва Осиё мамлакатларидан келган 20дан зиёд ОАВ вакиллари Улуснинг улуғ кунига бағишланган шукуҳли шодиёна гувоҳи бўлдилар.

КОНЦЕРТ ДАСТУРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Улуснинг улуғ куни Туркистон шаҳрида «Наурыз думан» номли катта концерт дастури намойиши билан бошланди.

«Карвон сарой» мажмуасида ўтган тадбир «Фараб» рақс дастасининг «Кербез сылқым» рақси билан бошланди. Туркий оламнинг фахрига айланган «Turan boys» гуруҳи ҳамда Қирғизистондан ташриф буюрган Дастан Кенчинбаев туркистонликларга кўтаринки кайфият бағишлади. «Таңба» ҳамда «Дарын» гуруҳи тадбирга файз киритди.

ЎРДАБОШИДА НАВРЎЗ

Байрам тадбирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар маҳсулотларини ҳамюртларига арзон баҳода тақдим этишди.

Тадбирга йиғилганлар ҳамда меҳмонлар учун туман, вилоят санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Шу билан бирга, тадбирда ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси уюштирилди.

Вилоятимизда сув тошқини хавфи мавжуд ҳудудларда махсус тадбирларни амалга ошириш учун барча куч ва воситалар олдиндан шакллантирилди.

ТОШҚИННИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Куннинг исиб кетиши, бир неча кундан буён ёққан ёмғир, қорнинг эришидан дарё-анҳорларда сув сатҳи кўтарилмоқда. Шу муносабат билан, селнинг олдини олиш ишлари кучайтирилмоқда.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Саврон туманидаги сув тошқини хавфи мавжуд жойларни оралаб, мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берди. Ҳоким Сирдарё бўйида яшовчи аҳоли билан мулоқотда бўлди.

Вилоят Фавқулодда вазиятлар департаментида тезкор штаб ташкил этилди. Уй-жойларни сув босишнинг олдини олиш мақсадида, ФВ департаменти ва маҳаллий ижро органлари ёмғир сувини тортиш ишларини давом эттирмоқда. Тошқиннинг олдини олиш учун тўғонлар барпо этилиб, сув йўналиши хавфсиз томонга бурилмоқда. Бундай ҳудудларга махсус техникалар, асбоб-ускуналар, инерт материаллар жойлаштирилган ва у ерлар ваколатли идоралар назоратида. Асосийси, сув тошқини пайтида, аҳолини эвакуация қилиш учун жой тайёр.

Мутахассисларнинг огоҳлантиришича, март ойида ёғингарчилик миқдори вилоятнинг барча ҳудудларида меъёридан ортиқ бўлади.

ТУРКИСТОНДАН САМАРҚАНДГА – ТАЙЁРАДА

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сайёҳлик лойиҳаларининг ижросини таъминлаш мақсадида Туркистон – Самарқанд йўналиши бўйича дастлабки парвоз амалга оширилди.

Улуснинг Улуғ кунида Туркистондан учган самолёт “Qazaq Air” авиакомпаниясига тегишли. Самарқанд шаҳри ҳокимининг ўринбосари, маҳаллий ҳокимият вакиллари қўшни мамлакатдан ташриф буюрган 80 нафарга яқин саёҳатчини алоҳида тантана билан кутиб олишди.

Ноёб сайёҳлик захираларига эга бўлган Марказий Осиё минтақаси туризм соҳасини ривожлантирмоқда. Шу муносабат билан икки мамлакат ўртасида тажриба алмашиш ва туризм соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

● Туркистон вилоят маслаҳати раисининг Қарори

2024 йил 27 март, № 1-Ш

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИНИНГ НАВБАТДАГИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

2001 йил 23 январдаги “Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-модда 2-бандига мувофиқ, саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги тўққизинчи сессияси 2024 йил 11 апрель куни соат 16.00да Туркистон шаҳрида чақирилсин.

Н. АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.

● Вилоят маслаҳатида

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” 2001 йилнинг 23 январдаги Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-модда 2-бандига мувофиқ, саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги тўққизинчи сессияси 2024 йилнинг 11 апрель куни соат 16.00да вилоят ҳокимлиги биносида ўтишини маълум қиламан, манзил: Туркистон шаҳри, “Янги шаҳар” кичик тумани, 32-кўча, 18-уй (1-қаватдаги мажлислар зали).

Депутат ва чақирилганларни рўйхатга олиш 2024 йил 11 апрель куни соат 15.00дан бошлаб зал фойесида юритилади.

Сессия муҳокамасига қўйиладиган масалалар:

1. Туркистон вилояти давлат хариди бошқармаси раҳбарининг бошқармага юкланган вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботи.

2. Туркистон вилоятидаги аҳоли манзилларини ичимли сув билан таъминлаш тўғрисида.

3. Туркистон вилоят дин ишлари бошқармаси раҳбарининг бошқармага юкланган вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботи.

4. Туркистон вилоят маслаҳати раисининг вилоят маслаҳати хизматини ташкил этиш, депутатларнинг саволлари ва сайловчиларнинг мурожаатлари бўйича 2023 йили амалга оширилган ишлар ва вилоят маслаҳати девонининг хизмати юзасидан ҳисоботи.

5. Туркистон вилоят маслаҳати доимий комиссияларининг 2023 йили амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботлари.

6. “Жанубий Қозоғистон вилоят маслаҳатининг 2017 йил 24 августдаги 14/172-VI сонли “Давлат-хусусий шерикчилик лойиҳалари бўйича ҳокимлик бажариши зарур вазифаларни қабул қилиш тўғрисида”ги қарорига ўзгаришлар киритиш тўғрисида».

7. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2022 йил 13 декабрдаги 19/235-VII сонли «Туркистон вилоятининг бошқарув тизими тўғрисида»ги қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида.

8. Туркистон вилояти ҳокимлигининг шахсий таркибидаги ўзгартиришларни келишиш тўғрисида.

9. Туркистон вилоят маслаҳати депутатларини сайлаш бўйича баъзи бир мандатли ҳудудий сайлов округларининг округ сайлов комиссиялари аъзолигидан чиқиб кетганларнинг ўрнига сайлаш тўғрисида.

10. Туркистон вилоят маслаҳати депутати А. А. Дўсибаевнинг депутатлик ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш тўғрисида.

11. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2023 йил 30 мартдаги 1/4-VIII сонли “Саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳати доимий комиссияларининг аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

12. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 28 сентябрдаги 30/331-VI сонли “Туркистон вилояти ҳокимлиги қошидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича идоралараро комиссиянинг шахсий таркиби тўғрисида”ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

13. Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги ногиронлиги мавжуд фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги мувофиқлаштириш кенгашининг доимий таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

14. Туркистон вилоятида жойлашган давлат ҳуқуқий шахсни қайта номлаш тўғрисидаги таклифни республика ономастика комиссияси муҳокамасига тақдим этиш.

15. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2021 йил 21 апрелдаги “Фуқароларнинг айрим тоифаларига амбулаториявий даволаш вақтида бепул дори воситалари, махсус даволаш маҳсулотлари ва тиббий буюмларни қўшимча бериш тўғрисида”ги 5/48-VII сонли қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида.

16. Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги жиноий жазолар ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширадиган идоралар ва ташкилотларнинг хизматига ёрдамлашиш, шунингдек, жиноий жазони ўтаган шахсларга ижтимоий ва бошқа ёрдамларни уюштириш юзасидан консультатив-маслаҳатчи идоранинг доимий таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

17. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2021 йил 10 декабрдаги “Туркистон вилояти бўйича ичимли сув билан жиҳозлашнинг муқобил манбалари ҳисобланадиган сув билан жиҳозлашнинг ўзгача муҳим гуруҳли ва ёпиқ тизимларидан аҳолига берилган ичимли сувнинг бир куб. метри учун тўлов миқдорини тасдиқлаш тўғрисида”ги 13/129-VII сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

18. Жанубий Қозоғистон вилоят маслаҳатининг 2016 йил 29 июндаги 3/37-VI сонли “Туркистон вилоят маслаҳатининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Сессия кун тартибида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

Н. АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.

ҚР Президенти "Ғарбий Давос" Осиё анжуманида иштирок этиш учун Хитойга ташриф буюрди.

Спорт

ОДИЛХОННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Юнон-рим кураши бўйича таниқли спортчи, Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги “Сайрам” хусусий мактабининг устоз-мураббийи Одилхон Сартоев 1993 йил 8 августда Манкент қишлоғида туғилган.

Юнон-рим кураши билан шуғулланишни олти ёшидан бошлаган спортчи шу кунгача турли нуфузли беллашувларда иштирок этиб, муваффақият қозонган. Чунончи, яқинда у Болгария Республикасида курашнинг ушбу туридан ўтган Халқаро мусобақада 72 кг. вазн тоифасида бош совринни эгаллаб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Шу муносабат билан “Манкент” мактабида таниқли спортчи, мазкур масканда таҳсил олган Одилхон Сартоев билан учрашув уюштирилди. У спортда бундай юқори натижаларга эришишда биринчи устози Бахтиёр Йўлдошевнинг хизматлари салмоқли эканлигини таъкидлади. Шунингдек, у тадбирга таклиф этган мактаб маъмурияти, “Мўрагер” ташкилоти, устоз-мураббийлар ҳамда ўқувчиларга миннатдорчилик билдирди.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирда: учрашувдан лавҳа.

КИТОБ – ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

«Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади».

А. Чехов.

Китоб – қалблар малҳами, билимлар хазинаси, донолик чашмасидир. Барча замонларда инсоният учун керакли маънавий озуқа ҳисобланиб, кишиларга тарбия бериб, уларнинг ақлий ривожланиш воситаси бўлиб келган. Тафаккурнинг ривожланишида китоб ва ёзув доим ҳамроҳ бўлган. Ёш авлоднинг бахту-камоли осойишта ва фаровон ҳаётда китобнинг алоҳида ўрни мавжуд.

Яхши китоб инсонда ватанга муҳаббат, миллий ва инсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ва эзгуликка ундайди. Интернет ва бошқа воситалар жадал ривожланаётганига қарамай, инсоннинг онг ва тафаккурини чархлаш, маънавий оламини бойитиш, эзгуликни тарғиб этишда лашидан кўнгли чексиз завққа тўлган ҳолда ўқиган адабиёти мазмунини тенгдошларига, оила аъзоларига, китобсевар устозлари билан фикрлашиб ҳузур ҳаловати тамоман ўзгаради. Китоб ўқиб, илм ўрганиш орқали инсон ўз мақсадларига эришади.

Ана шундай китобга дўст, келажаги учун илм олиб интилаётган шогирдларимдан сараси Севинч Абдилҳамидова. У барча фанлардан аълога ўқийди, китоб зарчашмасига кўнгил қўя олган қизлар сирасидан. Шу боис, яқинда Шимкент шаҳридаги Қозоғистон халқи Ассамблеяси биносида мактаб ўқувчилари орасида буюк мутафаккир, шоир Мир Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллигига бағишланган "Навоий ўқишлари" Халқаро танловида синфдошлари Алимардон Эргашбеков, Азизбек Исомиддиновлар билан биринчи босқич, 24 нафар

рисолалар – китобларларнинг ўрни беқиёс. Бинобарин, китоб асрлар давомида ахборот сақловчи энг самарали восита вазифасини бажарган.

Ҳозир мустақил равишда китоб мутолаа қилган ўқувчини кўрсангиз, қувониб, қалбингиз яйрайди. Унинг шу китоб оламига кириб кетиши, қаҳрамонлари ҳолатида гапириши ҳавасингизни келтиради. Бу туйғу ёш китобхонлар учун ҳам, катталар учун ҳам қалб чироғи, тафаккур қаноти демакдир. Ўқувчингиз ўзи қизиққан китобни топиб, мўъжизавий саҳифаларини варақлаганида унинг шитирўқувчи орасида 1-ўринни эгаллади ва 2-босқич Қозоғистон ва Ўзбекистондан жами 10 ўқувчи иштирок этиб, 2-ўринга сазовор бўлди. Бундай муваффақиятларнинг самараси Севинчнинг изланишлари, китобга меҳри, устозининг берган таълимини мукаммал эгаллаганлиги туфайлидир.

Гулчеҳра АРСЛОНОВА,
89-сонли «Қайнарбулоқ» умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.
Сайрам тумани.

ҚУЛАЙЛИКЛАР – ХАСТАЛИКЛАР МАНБАИГА АЙЛАНМАСИН

41 йил мобайнида шаҳримизнинг 5-шифохонасида фаолият юритаётган Саодат Норхўжаева беморларининг суюкли ҳамшираси. Олий тоифали ҳамшира ўз ишининг устаси. Йиллар мобайнида мутахассис сифатида ўз соҳасида “кўзи пишиб кетган”лигини беморлари ҳам аниқ билади. Ва истаган пайтда унга мурожаат қилиб, маслаҳат сўрашади. Опа муолажаларидан шифо топиб кетганлигидан миннатдор беморларининг дуосини олиб келмоқда. Байрам арафасида шифокор қабулини кутаётган беморларнинг йўқлигидан фойдаланиб, ҳамшира опани мусоҳабага чорладим.

Олий тоифали ҳамшира Саодат Норхўжаева Шимкент шаҳрининг "Пахтакор" даҳасида истиқомат қилади. 85-сонли Ҳ. Олимжон номли мактабни, шаҳримиздаги тиббиёт коллежини тамомлаган. 1983 йили 5-сонли шифохонада участка ҳамшираси сифатида фаолиятини бошлаган. Бу соҳада 33 йил фаолият юритди. Мана, саккиз йилдирки, ревматология, гастроэнтерология йўналишидаги олий тоифали ҳамшира. Ишга жойлашган йили оила қурди. Бир ўғил ҳамда икки қизни вояга етказишди. Умр йўлдоши ҳамда ўғли тадбиркорлик билан шуғулланишса, қизлари муаллималикни улуғлашмоқда. Айни дамда улар 9 неварани севимли буваси ҳамда бувижониси.

– Саодат опа, ҳамюртларимиз орасида ошқозон-ичак хасталикларига чалинганларнинг кун сайин ортиб боришига нима сабаб бўляпти?

– Ҳозирги кунда афсус ҳатто ёш гўдакларда ҳам ошқозон яраси билан хасталаганлар жуда кўп. Кўпчилик беморларимизда ўтининг қуюқлашгани қайд этилади. Экологик муаммоларни бундай хасталикларнинг бош сабабчиси дейдиган бўлсак, уларнинг истеъмол қилаётган маҳсулотларининг сифати ҳам саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кўчада тез тайёрланадиган, сифати назорат қилинмайдиган егуликлар умримизни қисқартиради. Аслида юрган ҳолда сув ичиш, емак ичиш мумкин эмас. Айниқса, иссиқ қаҳвани шунчаки юриб кетаётиб ҳўплаб бораётган ҳамюртларимизни кўриб, уларни кутаётган ва чалиниши эҳтимол касалликларини тасаввур қиламан, уларга раҳмим келади. Айниқса, ёшлар шундай тахлитда ҳаёт кечиришяпти, унга яна қувват берувчи энергетик ичимликларни қўшинг. У сизнинг танангизга ҳеч қандай қувват бермайди, аксинча, бошқа бир аъзоингиздаги чарчоқ эвазига сизни зўриқтириши мумкин холос.

Афсуски, ёшларимиз орасида суяк хасталикларига чалинганлар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, камҳаракатлигимиз, қолаверса, ортиқча вазнга олиб келадиган замонавий кўча таомлари соғлигимизни йиллар мобайнида кемириб бораверади, ишонаверинг. Катта авлод вакиллари кўпроқ пиёда юришга ҳаракат қиламиз. Ёш авлод вакиллари эса икки чақирим жойга етиб олиш учун ҳам такси чақиришга ҳаракат қилади, иложи бўлса ўтирган хонасига чақиртиради машинани (кулиб). Уй шароитидаги қулайликлар бизни ялқов қилиб қўйди, афсус. Фурсатдан фойдаланиб, яна бир муаммони айтиб ўтсам. Аёлларимизни аниқ бир ёшга келиши туфайли тиббий кўрикка таклиф қилсак, уларнинг аксари кўрикка келишга вақт топишмайди. Шифокорлар кўриги учун аниқ вақт белгилаб қўйиб, уларга тинмай қўнғироқ қилиб, кўрикка келиб-кетишларини телефон орқали доим эслатиб, назорат қилиб борамиз. Баъзида аёлларимиз мутахассис кўригига йиллаб ҳам келишмайди. Бир аъзоингиз сизни безовта қилмаслиги, бу кўрикка келмаслик учун асос бўла олмайди. Ҳар қандай касаллик вақтида аниқланса, унга тегишли муолажа юритиб, даво топиш мумкин.

Аёлларимиз саломатликларига бефарқ бўлмаслигини мижозларимизга бот-бот эслатамиз. Она саломат бўлсагина, унинг фарзандлари, оила аъзолари саломат бўлади. Соғлом уй бекаси оиласидаги вазифасини чиройли тарзда адо эта олади. Тиббий кўрикка вақтида келиб турадиган мижозларимиз кутилаётган анчагина хасталикларнинг олдини олган бўларди, – дейди Саодат опа.

Ҳамшира опа билан суҳбатимизни шу жойга келганида мижозларидан бўлаётган қўнғироқлар поёнига етказди. Нафақа ёшига етгунча яна бироз йиллар меҳнат қилиши жоиз суҳбатдошимга соғлик-омонлик, неваралар роҳатини кўришини тиладим.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

СЫБАЙЛАС ЖЕМҚОРЛЫҚҚА ЖОЛ ЖОҚ...

Сыбайлас жемқорлық әлеуметтік – экономикалық даму, нарықтық экономиканы құру инвестициялар тарту процесін баяулататын және демократиялық мемлекеттің саяси және қоғамдық институттарына кері әсер ететін, елдің даму болашағына айтарлықтай қауіп төндіретін құбылыс.

Сонымен қатар сыбайлас жемқорлықпен пәрменді күресу үшін халықтың құқықтық сауатсыздығын жоятын, құқықты түсіндіру жұмысының деңгейі мен сапасын арттыру керектігінің маңызы зор.

Халық өздерінің құқықтарын, өздеріне қарсы қандай да бір құқыққа қайшы іс-әрекет жасалған жағдайда қандай іс-қимыл қолдану керектігінің нақты жолдарын толық білулері қажет.

Сыбайлас жемқорлықпен күресті жеке қарау мүмкін емес, қылмыстарды болдырмау мен алдын алу баршамызға ортақ міндет болып табылады. Егер сіз ұйымдарда, мекемелерде сыбайлас жемқорлық құбылыстарына пара бопсалау фактілеріне немесе сыбайлас жемқорлық сипатындағы қандай да бір басқа көріністерге тап болсаңыз, сондай-ақ, егер сізге бұл мәселе немқұрайлы болмаса, сіз бірыңғай Call-center 1424 телефон нөміріне хабарласа алатындығыңызды назарыңызға жеткіземіз.

Сыбайлас жемқорлық көріністерін жат құбылыс ретінде сезіну және қабылдамау — әрбір қазақстандықтың азаматтық ұстанымына айналса ғана, жемқорлыққа қарсы шаралар нәтижелі болары сөзсіз.

Ә.МӘДЕШ,
Түркістан қаласындағы №1 мамандандырылған өрт сөндіру бөлімінің бастық орынбасары, азаматтық қорғау аға лейтенанты.

Еднома

ТАНИҚЛИ МЕЪМОР, ФАОЛ ЖАМОАТЧИ ЭДИ

Сайрамлик таниқли меъмор, ҚР Архитекторлар уюшмасининг аъзоси, эл фидойиси ва жамоат фахрийси Шодмонбой Султонниёзов жорий йил 9 март куни оламдан ўтди.

У 1949 йили 1 сентябрда Сайрам қишлоғида таваллуд топиб, дастлаб Ал Форобий (собиқ Фрунзе) номли мактабда, сўнгра Самарқанд шаҳридаги Меъморчилик ва қурилиш институтида таҳсил олди. Ш. Султонниёзов ўқувчилик йилларидаёқ мактабда ташкил қилинган ўқувчилар бригадасига етакчилик қилиб, моҳир ташкилотчи ва оқил раҳбар сифатида ўзининг нодир иқтидорини намоён қилган эди. Ўқувчилар бригадаси гектаридан 36 центнердан пахта ҳосили олиб, бу ютуғи учун Москва шаҳридаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бориш шарафига эга бўлган.

У меҳнат фаолиятини “Казгипроторг” корхонасида бошлаб, сўнгра «Чимкентсельстрой» бирлашмасида, ИИВнинг 167/2 ахлоқ-тузатиш муассасасида, Сайрам туман матлубот уюшмасида, шунингдек, туман меъморчилик ва шаҳарсозлик бўлимида, “Сарём” МЧБда меъмор-муҳандис, бўлим мудири каби масъул лавозимларда самарали хизмат қилди.

Шодмонбой Султонниёзовнинг лойиҳалари бўйича Сайрам тумани ва Шимкент шаҳрида кўплаб замонавий иншоотлар, савдо марказлари, дам олиш масканлари, кўп қаватли бинолар барпо этилган.

У, айниқса, саёҳатга чиқишни хуш кўрарди. Жумладан, Москва, Киев, Загорск, Иваново, Тбилиси, Батуми, Сочи, Ашхобод, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч каби ўнлаб шаҳарларни оралади, 2013 йили ҳаж амалини адо этди.

Мақоламиз қаҳрамонининг хизматлари давлат томонидан муносиб баҳоланди, у шаҳар, вилоят, республика даражасида унвон ҳамда медаллар билан тақдирланди.

У рафиқаси, тиббиёт соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган, раҳматли Тамара Мирёқуб қизи билан тўрт ўғил ва бир қизни вояга етказишди. Бугунги кунда фарзандлар эл равнақи йўлида фаолият юритишмоқда.

Ушбу мусибатли кунда марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этамиз, Сайрам диёрида бунёдкорлик ишларига салмоқли ҳисса қўшган жамоат фидойисининг эзгу ишлари ва порлоқ сиймоси қалбимизда узоқ яшайди.

Сайрамлик дўстлари.

Сайрамлик ҳамкасблари ва дўстлари узоқ йиллар тиббиёт соҳасида самарали хизмат қилган меҳнат фахрийси

Нурмаҳаммад ота ЭГАМБЕРДИЕВ-

нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этадилар.

Ўтганларнинг охироти обод бўлсин!

2024 йилда Туркманистоннинг Аннау шаҳри туркий оламнинг маданий пойтахти деб эълон қилинди.

Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

Унвон муборак!

Фаол обуначимиз, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият ҳамда вилоят "Ўлес" хайрия бирлашмалари раиси, ҚР Президентлари мукофотлари соҳиби Райимжон Қўчқоровга Наврўз байрами тантанаси куни Туркистон шаҳри ҳокими Нурбўл Турашбеков ҳамда шаҳар маслаҳати раиси Ғаппар Сарсенбаев тантанали равишда "Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси" унвонини тақдим этишди.

Кўплаб хайрли ишлар ташаббускори, эл бирлиги, кам таъминланган оилалар фаровонлиги йўлида самарали меҳнатлари билан танилган Райимжон Саттор ўғлини юксак ва муносиб унвон билан самимий муборакбод этамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Тўйхат ўрнида

Наврўзи олам ва таваллуд шодиёнаси

ЁКИ ЕТМИШ БЕШ ЁШ ШУКРОНАСИ

Саврон тумани, Югнак қишлоғидаги доимий обуначимиз Фарҳод Жалил ўғлини 75 йиллик таваллуд айёми билан муборакбод этиш мақсадида вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Саидмуродов, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоровлар ҳамроҳлигида хонадонига ташриф буюрдик.

Мақоламиз қаҳрамони 1949 йили 20 март куни УВУ фахрийси Жалил Абдулла ўғли ҳамда Сора Дўсжон қизи хонадонида дунёга келди. Опа-ука, сингиллари Онажон, Тўражон, Комилжон, Муборак, Фарида, Олмахонлар даврасида камол топди. А. Югнакий (собиқ "Коммуна") номли ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, Тошкентдаги Низомий номидаги давлат педагогика институтида муҳандис-педагог ихтисослиги бўйича таълим олди.

Меҳнат фаолиятини ўзи ўқиган ўрта мактабда бошлаб, ёш авлодга таълим-тарбия берди. 1975 йилдан "Коммуна" жамоа хўжалигида техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, гараж мудири, таъминотчи сифатида самарали меҳнат қилди. Колхоз тарқагач А. Югнакий номидаги ишлаб чиқариш ширкатини ташкил этиб, унга 280та майда хўжаликларни бирлаштирди. Йирик хўжаликда давлатдан деҳқонларга арзон баҳода бериладиган ёнилғи, минерал ўғит каби имтиёзларга эришилди.

Умр йўлдоши Заҳира Муромад қизи билан муштарак ҳаёти давомида қобил фарзандлар – Даврон, Дилфуза, Феруза, Дилхумор, Нурсултонларни тарбиялаб, ширин-шакар неваралар кўрди. Тақдир тақозоси билан оила соҳибаси Заҳира Абдуллаева 2019 йили оламдан ўтди. Бугунги кунда Зуҳро Ўринбосар қизи фарзандларга оналик, невараларга бувилик меҳрини улашмоқда.

Фарҳод Абдуллаев Югнак қишлоғи марказида волидаи муҳтарамаси хотирасига "Сора она" замонавий болалар боғчасини барпо этиб, фойдаланишга топширганига анча бўлди. Саврон тумани маслаҳати депутати Нурсултон Абдуллаев бобоси, УВУ фахрийси Жалил Абдуллаев номидаги заковат мактабини қурмоқда. Нурсултон умр йўлдоши Аяжон Носир қизи билан Нурсаид (вилоят марказидаги заковат мактабида аълога ўқимоқда), Нурбахит (А. Югнакий номли мактаб ўқувчиси) ҳамда Эсманур (боғчада таълим олмоқда)ларни вояга етказишмоқда.



Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвирлари.

P.S: *Югнак қишлоғидаги жамоатчи обуначимиз Фарҳод Абдуллаевни Наврўзи олам шодиёнаси, муборак рамазон ойи билан бақамти келган 75 йиллик юбилей шодиёнаси билан самимий муборакбод этиб, мустаҳкам соғлик, омад ва зафар тилаймиз. Доимий обуначиларимиз сафидаги "Югнак" хўжалиги, "Сора она" болалар боғчаси жамоалари ҳам ўз ниятларини армуғон этишади. Холис ниятлар ижобатини берсин!*

Топиб, ўқинг!

НАВРЎЗГА ТУҲФА

"Ижодкор" адабий бирлашмаси кутубхонаси туркумида яқинда нашрдан чиққан "Ифтихор нашъаси" китобининг муаллифи Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва таржимон Зокиржон Мўминжоновдир.

Унинг "Кўклам камалаги" номли илк китоби 1993 йили нашр қилинган эди. Шундан сўнг ижодкорнинг шеърлари "Қанот қоқди", "Ирмоқлар туташганда", "Тўёна", "Чимкент – ижод гулшани", "Вечная страна моя", "Болаларга туҳфа" каби тўпламларда чоп этилди.

У сўнгги йилларда таржимонлик билан фаол шуғулланиб, Улиқбек Есдаулет, Мархабат Байғут, Алибек Файзуллаев, Иса Ўмар, Юрий Кунгурцев, Жўра Худойбердиев, Сабирбек Ўлжабай сингари адиб, шоир ва драматургларнинг асарларини ўзбекчага ўгирди.

"Жанубий Қозоғистон" мухбири.

27 март – Халқаро театр куни

Рустамхон Қурбонхўжа ўғли (Рустам ХЎЖА) – 1979 йилда Сайрам қишлоғида туғилган. Қишлоқдаги Ал-Форобий номли, Тошкент шаҳридаги 148-мактабларда ўқиган. Жанубий Қозоғистон педагогика университетида "Мусиқий билим" мутахассислиги бўйича Бакалавр академик даражасини олган. 2004 йилдан буён Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида фаолият юритади.

Р. Саидхўжаев режиссёр сифатида ҳам самарали фаолият юритган. У театр репертуаридаги "Андишали келин", "Қудалар", "Тўйлар муборак!", "Анқонинг уруғи", "Ўғри ҳам одам" спектаклларини саҳналаштирган. "Баҳор-Театр-Саҳна-2006" вилоят театрлари фестивалида "Томошабин олқиши" дипломи соҳиби бўлган. "Офарин-2006" кўрик танлови ғолиби. "Тақдир йўли" кинофильми муаллифи ва режиссёри. Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатларида суратга олинган қатор кинофильмларда турли роллар ижро этган.

2011 йилда Марказий Осиё, Грузия ва Болтиқбўйи давлатлари ёш режиссёрларининг халқаро танловида қатнашган, шу йили Москва шаҳрида малакасини оширган. 2015 йилда "Олам ҳазили" фестивали лауреати. Ўзбекистонда кинодан ташқари, теленовелла, сериалларда қатнашган, телевизион миниатюралар театрида ҳам қатор роллар ижро этган, "Оталар чойхонаси" дастурида бошловчилик қилган. 2022 йилдан "Турон" театри актёри.

РУСТАМ ХЎЖА – СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

– Ўзбекистондаги қатор театрлар билан меморандумлар имзоланди. Улар қайси театрлар ва унинг доирасида қандай ишлар амалга оширилади?

– 2 октябрдан театр директорининг вазифасини бажарувчи сифатида фаолият юритяпман. Ўзбекистон давлат драма театри, Самарқанд мусиқали драма театри, Муқимий номидаги мусиқали драма театри, Фарғона театрлари, Ўзбекистон Республикаси Аския ва қизиқчилик санъати маркази билан меморандум имзоладик. Яқинда Сирдарё вилоят драма театри билан ҳам худди шундай ҳужжат тузилади. Меморандумнинг ўз Низоми бор, унда давлатлараро, театрлараро алоқани мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш сингари бўлимлар мавжуд.

– Замонавий кўринишдаги спектакллар қўйилса, бизнинг томошабинлар уни қандай қабул қилиши мумкин?

– Ҳозир замонавий спектакллар кўпайиб бормоқда. Томошабинларимиз ҳали унга тайёр эмас, деб ўйлайман. Бу билан мен уларнинг савияси паст, дейишдан йироқман. Фестивалларга хос, одамни мушоҳадага чорлайдиган спектакллар бор, уларнинг ўз томошабинлари бор. Бизда томошабинлар театрга дам олиш учун келади. Улар комедия жанрида кўпроқ спектакль қўйишимизни сўрашади.

– Давлат бир йилда спектакллар қўйиш учун қанча маблағ ажратади, агар сир бўлмаса.

– Давлат театр олдига шунча спектакль қўясан, деган режа бермайди. Биз шу давргача йилига тўртта спектакль қўйиб келганмиз. Ундан биттаси болалар учун. Жорий йилда жуда кам маблағ (2 миллион 800 минг тенге) ажратилди. Бу битта спектаклнинг харажати. Биз шунга тўртта спектакль қўйишимиз керак. Спектаклларнинг савиясини туширмаган ҳолда, ўзимизнинг эски буюмлардан фойдаланиб, иккита спектакль қўямиз. Аудиториямиз кам, янги спектаклни айланиб намойиш этишимизга бир ой етади. Ачинарлиси, 20 йил ўтган бўлса-да, ён-атрофимизда театрга бир марта ҳам кирмаган одамлар бор. Олисдагиларни айтмай қўяқолай. Шундай бўлса-да, биз олдимизга юксак мақсадлар қўйиб, даромадни кўпайтирган ҳолда, спектаклларнинг ҳам сонини оширишни мақсад қилганмиз. Театрнинг кичик зали ҳам бор, шуни таъмирлаб, замонавий театр ташкил қиламиз. У ердаги столларни олиб ташлаймиз, моно, камерний спектакллар қўямиз. Унда томошабинлар ҳам ҳаракатда бўлади. Бунда ходимларга икки баравар масъулият ортиб, шунга яраша даромадимиз ҳам кўпаяди.

– Касбий мутахассислар масаласи қандай ҳал қилинмоқда?

– Шу вазифага киришганимга олти ой бўлган бўлса, уч ой театрнинг тарқаб кетган жамоасини қайта тиклаш билан овора бўлдик. Бу тадбирларнинг барчаси қонун доирасида амалга оширилди. Аввалги раҳбарлар ҳақида салбий гапириш ниятим йўқ. Фақат, шуни айтишим мумкинки, менинг раҳбарлигим шу даврга тўғри келиб қолди. Ҳозир театрда иш қизигандан қизиган, ҳеч кимнинг деярли бўш вақти йўқ. Ўтган уч ойда биз учта спекталь премьерасини ўтказдик. Бу жуда катта иш. Апрель ойининг бошида яна бир тақдимотимиз бор. Ҳозирча ҳеч ким ишнинг кўплигига эътироз билдиргани йўқ. Гастролларни ҳам, қўшимча ижодий ишларни ҳам жамоа билан келишган ҳолда саналарини белгилаяпмиз.

– Театрнинг 20 йиллиги юксак савияда уюштирилди...

– 20 йиллигимизни дастлаб, шаҳар миқиёсида ўтказишни режалаштирган эдик. Маълумки, сўнгги тўрт йилда Қозоғистонда, Ўзбекистонда киноларда ўйнаяпман. Вазирликнинг ташаккурномалари, Президентнинг фахрий ёрлиқларини олиш истаги туғилди. Алматидан меҳмонлар чақирадиган бўлиб, тадбир республика миқёсида ўтадиган бўлди. Қўшни Ўзбекистон ва Қирғизистондан ҳам меҳмонларни чақирадиган бўлдик, хуллас, юбилейимиз халқаро миқёсда нишонланди. Бунинг учун кинодаги ҳамкасбларим, Ўзбекистонда мен билан бирга ишлайдиган санъаткорлар Умид Искандаров, Босит Раҳматов, Улуғбек Қодиров, Ўктам Камолов, Олимжон Салимов, Саида Раметова, Ўзбекистон давлат драма театри, Миллий академик драма театри, Самарқанддаги тўртта театр раҳбари, ходимларининг ташрифи маҳаллий санъат ихлосмандлари учун катта байрам бўлди. Алматидан устозимиз Тунғишбай Жаманқуловнинг ташрифи ва табрик сўзи барчада катта таассурот қолдирди. Ҳомийлар – Низомхон Сулаймонов, Зафар Бозорбоев, Ҳасан Шоҳайдаров, Неъмат Холматов, Сайрам тиббиёт коллежи, Ифтихор Юнусов ва бошқа барча-барчадан миннатдормиз. Маданият ва тилларни ривожлантириш бошқармаси ва шаҳар ҳокимлигига раҳмат. Ундан аввал театрлар ўртасида "Исфижоб спорт мажмуаси"да мини-футболдан турнир ўтказдик. Унда Қизилўрда, Жамбил, Туркистон вилоятлари ва Шимкент шаҳрида фаолият юритадиган театр жамоалари иштирок этишди.

– Ёш актёрлар масаласи қандай ҳал этилмоқда?

– Бу биз учун жуда катта муаммо. Бизнинг авлоддан кейин ишлайдиган деярли ҳеч ким йўқ. Ҳозир актёрларимизни "юзи"ни халққа таништириш ишларини бошлаб юборганмиз. Шунда ёшлар уларга ҳавас қилиб, шу касбни танлашади, соҳада рақобат кучаяди. Ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистон телеканалларида жамоамиз 5-6 марта чиқишга муяссар бўлди. Ана шу кўрсатувларда ҳар бир вакилимизни алоҳида кўрсатишни талаб қиляпман. Энди актёрларимизни Қозоғистон ва Ўзбекистон киноларида роль ўйнашни йўлга қўя бошладим. Имкон қадар, актёрларнинг ҳаммаси кино, сериалларда ўйнайди.

– Энди шахсий ижодга тўхталиб ўтсак.

– Ўзбекистонда 50дан зиёд кинода роллар ижро этганман. "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" кўрсатуви, сериаллар, теленовеллалардаги роллардан ташқари. Қозоғистонда 10дан зиёд кино, сериалларда роль ўйнадим. Энг машҳурлари – "Сержан братан", "Таптимау сени", "Брат или брак", "Батыр из прошлого". Ҳозир "Маде ин Чина" киносида суратга тушяпман. Айни пайтда ишда масъулият ортиб, кўп лойиҳаларга боролмаяпман. Ўзбекистонда "Эксклюзив продакшн" билан кўп ишлайман. Раҳбари – Дилшод Аҳмедов. "Нафс", "Азарт", "Омонат", "Сабоқ", "Жумбоқ" шулар жумласидан. Ҳозир яна бир комедияда суратга тушяпман. Бундан ташқари, клиплар, рекламаларда ҳам кўриниб турибман.

Ҳа, юртимизда Рустам Хўжани танимаган одам бўлмаса керак. Унинг 2023 йилда Ўзбекистонда "Йилнинг энг комик актёри", Қозоғистонда "Екінші пландағы үздік ер адам бейнесі" номинацияси ғолиби бўлгани барчамизда фахр туйғусини уйғотиши табиий.

Хуршид ҚЎЧҚОРОВ
суҳбатлашди.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:
Туркистон, Саврон – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
Кентов, Сўзоқ – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.
Тўлебий – **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
Қазиғурт – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
Сайрам – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулкибош – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Сариоғоч – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12500 нусха.
Буюртма: 735.
Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.